

Мисрда 1000 та Қуръони карим мактаблари очилди



10:30 / 01.07.2019 2947

Миср Вақф вазирлиги мамлакатда 1000 та Қуръони Карим мактаблари очилганини эълон қилди. Бу ҳақда iqna хабар беради. Мактабларни очилиш маросимлари вазирликнинг масъул ходимлари ва ҳофизи каломуллоҳ устозлар иштирокида бўлиб ўтган.

Вақф вазирлигининг маълум қилишича, болаларнинг ёзги таътил вақтларини самарали ўтказишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу мактабларда икки йил давомида талабаларга Қуръони каримни ўрганиш ва ёд олиш бўйича дастлабки таълим берилади.

Islom.uz портали таҳририяти